Биография

Алижон Мамажонов



А.Мамажонов 1946 йилнинг 22 сентябръ куни Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги Эшонгузар қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топди. 1964 йилда ўрта мактабни муввафақиятли битириб, она тили ва адабиёти ўқитувчиси тавсияси билан Фарғона давлат педагогика институти филология факулътетига ўқишга кирди. Олий даргоҳда ўқиб юрган кезларида ўзининг илмга чанқоқлиги, намунали хулқи ва одоби билан академик Ғ.Абдураҳмонов, профессор А.Матғозиев, доцентлар Ҳ.Рустамов, К.Юсупов, И.Фармонов, Я.Зулфиев каби устозлар назарига тушди.

У 1968 йилда факультетни имтиёзли тугатгач, институт ректоратининг таклифи билан ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчиси лавозимига ишга олиб қолинди. 1969-70 йилларда Армия сафида хизмат қилди, сўнгра яна ўз устозлари қаторига келиб ўз фаолиятини давом эттирди. Алижон Мамажонов 1971 йилда ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги мақсадли аспирантурага ўқишга кириб, 1974 йилда уни муваффақиятли якунлади.

Шундан буён у Фарғона давлат педогогика институти (ҳозирги ФарДУ)да фаолият кўрсатиб келмоқда. Олим бу давр мобайнида ўқитувчи, кафедра мудири, декан ўринбосари, факулътет декани лавозимларида ишлади. 1989 йилдан 1999 йилгача кафедра мудири лавозимида ишлади.1975 йилда «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида периодлар» мавзуидаги номзодлик, 1991 йилда “Ўзбек тили қўшма гапларининг стилистик хусусиятлари” мавзуидаги докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Биография



Ўзбек тилшунослиги ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, 5 монография ҳамда 10 га яқин ўқув ва услубий қўлланмалар, 200 дан ортиқ илмий мақоллалар муаллифи профессор Алижон Мамажоновнинг ўзбек тилшунослигига янги йўналиш-матн лингвистикасининг кириб келишида хизматлари эътиборга лойиқдир. Олим бу борада қатор илмий рисолалар ва қўлланмалар яратди. “Текст лингвистикаси” (1979), “Қўшма гап стилистикаси” (1981), “Нутқнинг периодик кўриниши” (1995), “Услубий воситалар” (1996), “Олий таълимнинг университет таълими соҳаси ўзбек филологияси йўналиши учун “Махсус фанлар” дан намунавий дастур” (2000), “Матн синтаксиси” (2002), “Гапнинг шаклий ва мазмуний тузилишига турлари” (2004), “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган “Муаммоли маърузалар” танловида “Ҳозирги замон ўзбек адабий тили (қўшма гап)” маъруза матни билан иштирок этиб фахрли биринчи ўринни олган” (2005), “Матн бирликлари” (2012) каби асарлари олимнинг ўзбек тилшунослигига қўшган салмоқли улуши хисобланади.

А.Мамажонов услубшунослик ва матн лингвистикаси бўйича алоҳида бир мактаб яратган устоздир. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 6 нафар тадқиқотчи номзодлик, 1 нафари докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

А.Мамажоновга 1998 йилда “ФарДУ да хизмат кўрсатган профессор”, 2000 йилда таълим соҳасидаги кенг қамровли фаолияти учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги ҳамда Республика “Устоз” жамғармаси томонидан “Устоз” фахрий унвонлари берилган. 2012 йилда эса олим Турон ФАсининг академиги илмий унвонига сазовор бўлди.

Олим раҳбарлик қилаётган кафедра 2003 йилда ФарДУ даги “Энг яхши кафедра” номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

2004 йилда А.Мамажонов ФарДУ да ўтказилган “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловини ғолиби бўлди.

Асарлари:

1975	Периоды в современном узбекском литературном языке. АКД. Тошкент. 22 стр.
1979	О периодах в современном узбекском литературном языке. «Сов. тюркология», журн., Баку
1983	Сверхфразовое единство как синтаксико-стилистическая категория. «Сов. тюркология», журн. № 1, Баку. 5 стр.
1985	Рецензия: И.Фарманов. Некоторые лексические особенности. «Сов. тюркология», журн. № 6, Баку, 3 стр.
1990	Қўшма гап стилистикаси. Тошкент: Фан, 111 бет.
1991	Стилистические особенности сложых предложении современного узбекского литературного языка АДД. Тошкент, 60 стр.
1995	Периодик нутқ кўриниши. Илмий-оммабоп қўлланма, Фарғона, 100 бет.
2000	Олий таълимнинг университет таълими соати ўзбек филологияси йўналиши учун «Махсус фанлар»дан намунавий дастур, ФарДУ нашри, 18 бет.
2002	Матн синтаксиси. Ўқув қўлланмаси (ҳаммуаллиф М.Абдупаттоев). Фарғона, 84 бет.
2004	Ўзбек тилида гапларнинг шаклий ва мазмуний тузилишига кўра турлари. Ўқув қўлланмаси (ҳаммуаллиф Г.Розиқова) Фарғона. 120 бет.
2005	Рамз ифодаловчи экстралингивистик воситалар. «Наука. Образование Техника» Международный научный журнал. Ош. 1-сон. 3 стр.
2012	Матн бирликлари. (ҳаммуаллиф М.Абдупаттоев) Фарғона, 2012.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.